

Бу менинг муаммоим эмас



14:00 / 17.03.2023 6184

Бир сичқон катта экинзорда яшар эди. Бир куни экинзор соҳиби, яъни деҳқоннинг қопқон кўтариб кетаётганини кўрди. Шу заҳоти телбага ўхшаб бутун экинзорни айланиб, баланд овозда: «Сичқонлар учун қопқон олиб келдилар, энди ҳолимизга вой», деб бақирди.

Буни эшитган товуқ: «Дод-фарёдинг ва қичқириғинг билан бизни безовта қиляпсан. Қопқон сен учун тайёрланган, шунинг учун бу сенинг муаммоинг», деб бақирди.

Сичқон қўйларнинг олдида борди ва: «Эҳтиёт бўлинглар уйда қопқон бор» деди. Буни эшитган қўй табассум қилиб: «Эй қўрқоқ, қилмишингнинг оқибатидан қўрқар экансан, нега ўғирлик қилиб, атрофни хароб қилишга уриндинг. Бу қопқонни сен учун қўйишган. Шундай экан, қичқириб бизнинг бошимизни оғритма. Сенга насихатим шуки, овқат ўғирлашдан, арқонлар

ва дарахтларни кемиришдан тийил», деди.

Ноилож қолган сичқон сигирдан ёрдам сўрашга ўтди ва унга бепарволарча: «Уйимизда қопқон бор экан. Афтидан сигирларни овлашмоқчи шекилли. Ҳайвонот боғидан сиёсий бошпана сўраб кўрайми», деди.

Ҳеч ким парво қилмаганини кўрган сичқон ўзи қутилиш чорасини кўрмоқчи бўлди. Қопқонни излаб далани кезди ва қаерга қўйилганини аниқлади. Кейин қопқондан узоқроқ жойга бориб, ухлашга ётди. Қопқоннинг шарақлаган овози тун сукунатини бузди. Унга бир ўлжа илинган эди. Сичқон қопқонга думи билан илинган илонни кўриш учун у томонга шошилди. Деҳқоннинг хотини қопқонга сичқон илинди деб ўйлаб, уни ушламоқчи бўлди. Тун қоронғу бўлгани учун илонни кўрмади. Шу пайт илон аёлнинг қўлини чақиб олди. Деҳқон зудлик билан хотинини биринчи тиббий ёрдам олиши учун шифохонага олиб борди. Тиббий ёрдам олгач аёл уйга қайтди. Иситмаси баланд эди. Деҳқон аёлининг тузалиши учун уйдаги товукни сўйди. Аёлни кўргани яқинлар ва қўни-қўшнилар ҳол-аҳвол сўраб чиқишди. Деҳқон меҳмонларни чиройли дастурхонга таклиф қилиш учун қўйни сўйишга мажбур бўлди. Лекин бечора аёл бир неча кун заҳар билан курашиб вафот этди. Жаноза маросимига юзлаб одамлар келишди. Деҳқон узоқдан келганларга таом тайёрлаш учун сигирни ҳам сўйди. Шундай қилиб уйда ҳайвонлардан фақат сичқон тирик қолди. Аслида қопқон сичқон учун қўйилган эди. Аммо унинг ўрнига бошқалар қурбон бўлди. Чунки хатарни фақатгина сичқон ҳис қилиб, бошқаларга ҳам етказди, улардан эътибор бўлмагач ўзи хавф-хатардан узоқроқ бўлишга уринди. Хатарни менсимаганлар эса қурбон бўлдилар. Чунки бошқа ҳайвонлар хавф-хатар биздан йироқда, сичқон айтаётган хатар эса бизнинг муаммоимиз эмас, ўзи ҳал қилсин деб ўйлаган эдилар.

Хулоса

Агар сизнинг яқинингизда сизга алоқаси бўлмаган муаммо юз берса, унга нисбатан бепарволик қилманг. Чунки ўша муаммонинг оқибатида сизга ҳам зарар етиши мумкин.

Атрофимизда қандай муаммолар содир этилса, уларга бепарво бўлмайлик.

Зеро, мўмин мусулмон киши лоқайд бўлмайди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. У унга зулм ҳам қилмайди ва ташлаб ҳам қўймайди. Ким ўз биродарининг ҳожатини чиқарса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқаради. Ким бир мусулмонни ғамдан фориғ қилса, Аллоҳ ундан Қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни фориғ қилади. Ким мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ Қиёмат куни унинг айбини беркитади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Аллоҳ таоло барчамизни турли мусибат, муаммолардан асрасин ва гуноҳларимизни мағфират этсин.

Манба: «Ҳар куни сизни қизиқтирадиган маълумот»

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади